



УДК 54.8.66.10167

ЙОГУРТ ТАРКИБИНИ БОЙИТИШДА УНДИРИЛГАН БУҒДОЙ ВА АРПА СОЛОДЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

И.Р.Асқаров

Ўзбекистон “ТАБОБАТ” Академеяси раиси, к.ф.д., профессор

Д.Т.Хасанова

Андижон давлат университети доценти, к.ф.ф.д. (PhD)

КИРИШ

Сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ундирилган буғдой ва арпа донларидан фойдаланишда, маҳсулотнинг қўшимча маҳсулотларини органолептик ҳусусиятларига таъсирини ўрганиш ҳам муҳим ҳисобланади. Шунингдек, ундирилган донларнинг оптималь дозасини аниқлаш, тайёр маҳсулотнинг сақланиш муддатига таъсири ҳам муҳим аҳамиятга эга [1], [2].

Ундирилган буғдой ва арпа таркибида алмашинадиган аминокисоталарнинг қўплиги уни янада озиқ-овқатларни бойитишда фойдаланиш учун қулай, арzon қўшимача эканлигини белгилаб беради [3], [4] [5].

Тажриба қисм: Лаборатория шароитида ўта юкори частотали электр магнит майдонида қўйидагича ишлов бериш шароитида: ЎЮЧ частотаси – 2450 мГц; ишлов бериш қуввати – 150 Вт; ишлов бериш вақти – 8-10 мин; материал намлиги – 24-30%; харорати – 45-50⁰C; материал қалинлиги – 50-70 мм; қайта ишланган ундирилган буғдой ва ундирилган арпа солодларидан фойдаланилди.

Ишнинг бажарилиши: Йогурт олиш учун ундирилган бошоқли донлар солоди ун қилиб тортиб олинади. Бунда йогурт анъанавий технология бўйича тайёрланади. Қўшимчалар билан бойитишда, ундирилган бошоқли донларнинг уни ва ачитқи биргаликда қўшилади.

Ундирилган буғдой ва ундирилган арпа солодлари асосида тайёрланган озиқ-овқат қўшилмалари қўшилган йогурт массаси 40⁰C да 5-6 соат мобайнида ферментация жараёнидан ўтказилди.

Натижалар муҳокамаси: Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдик, йогурт ишлаб чиқаришда ундирилган буғдой ва ундирилган арпа солодлари асосида тайёрланган озиқ-овқат қўшилмаларидан йогурт массасига нисбатан максимум 1,5 % миқдорида қўшиш етарли бўлар экан. Қуйидаги жадвалда бойитилган йогуртнинг органолептик кўрсаткичлари келтирилган:

1- жадвал

Турли нисбатларда озиқ-овқат қўшиб тайёрланган йогуртларнинг органолептик кўрсаткичлари.

№	Озиқ-овқат имчаси ори	Органолептик кўрсаткичлари			
		ташқи ниши	ранги	таъми ва ҳиди	гомогенлиги



1	1,0	Бир хил кликдаги іқоқ масса.	Бутун масса аб бир хил хос оқ рангли	Бегона хид ва ларсиз соф ўзига хос ентланган сут ҳиди ва ига эга.	Бир жинсли
2	1,5	Бир хил кликдаги іқоқ масса	Бутун масса аб бир хил хос оқ рангли	Бегона хид ва ларсиз соф ўзига хос ентланган сут ва ёқимли д ҳиди ва таъмига эга.	Бир жинсли
3	2	Бир хил кликдаги іқоқ масса	Солоднинг хос ранги от массасида килди	Бегона хид ва ларсиз соф ўзига хос ентланган сут ва солод ва таъмига эга.	Йогурт асида кучси цияланиш килди
4	3	Бир хил кликдаги іқоқ масса	Солоднинг хос ранги от массасида килди	Бегона хид ва ларсиз ферментланган нисбатан солод ҳиди ва и доминантлик килди.	Йогурт асида цияланиш тарли кузатилди

Жадвалдан кўриниб турибиди, йогурт таркибига озиқ-овқат қўшилмасидан 1% қўшилганда, йогуртнинг таъми ва ҳиди ўзига хослигини сақлаб қолди, 1,5% қўшилганда йогуртда ундирилган бошоқли дон солодининг кучсиз ёқимли таъми ва ҳиди сезилади. Озиқ-овқат қўшилмасининг миқдорини ортиб боришида эса, йогурт таъмини ўрнига озиқ-овқат қўшилмасининг таъми устунлик қилиб борди.

Хулоса: Тажриба натижалари шуни кўрсатдики, ундирилган бошоқли донлар билан бойитилган йогуртларнинг органолептик ва физик-кимёвий кўрсаткичлари меъёрий хуқуқий ҳужжатларда берилган талаб даражасига тўлиқ жавоб бериши кимёвий таҳлиллар ёрдамида аниқланди. Бу озиқ-овқат қўшилмасидан халқ табобатида овқат ҳазм қилувчи, ичак тизими фаолиятини меъёрлаштирувчи ва витаминларга бой манба воситаси сифатида қўлланишга тавсия қилинадиган товарлар олиш мақсадида фойдаланиш мумкин.

Бундай усулда олинган йогуртлар таъми ва ҳиди соф йогуртга хос, бегона таъм ва ҳидларсиз, ранги бутун масса бўйлаб бир ҳил бўлади. Бундай бойитилган йогуртлар ўзининг шифобахш хусусияти билан янада ҳаридоргир ҳисобланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Асқаров И.Р., Хасanova Д.Т. Ундирилган буғдой асосида олинган озиқ-овқат қўшилмасининг антиоксидантлик хусусиятларини ўрганиш // Journal of Chemistry of Goods and Traditional Medicine Volume 2, Issues 3, 2023. 174-177
2. Данильчук Т.Н., Рогов И.А., Демидов А.В. Повышение антиоксидантной активности проростков злаковых культур под воздействием инфракрасного излучения // Хранение и переработка сельхозсырья. 2014. №9. С. 16–21.
3. Уй шароитида буғдой ва арпа солодини тайёрлаш. // Халқ табобати плюс. №2 (15) Тошкент 2023 – 6-7 б.



4. Сташкова Н.О. Технологические аспекты получения сухих пророщенных зерен пшеницы // Хранение и переработка сельхозсырья. 2011. №2. С. 37–38.
5. Асқаров И.Р., Хасанова Д.Т. Арпа ва солод ишлаб чиқариш. Академик А.Қосимов таваллудининг 75 йиллигига бағишиланган “Ўзбекистонда биотехнологиянинг ривожланиши ва истиқболлари” мавзусидаги илмий-амалий анжуман. Андижон – 2012.85 б